



КОРХОНАЛАРНИНГ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Шахзод Шаякубов,

Тошкент молия институти, «Баҳолаш иши ва инвестициялар»
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD илмий тадқиқотчиси,
Тошкент, Ўзбекистон. Email: shakhzod.shayakubov@gmail.com
ORCID: 0009-0001-6185-5550

CREATING AN EFFECTIVE FINANCIAL SUPPORT SYSTEM FOR ENTERPRISES' INNOVATIVE ACTIVITIES

Shakhzod Shayakubov,

Tashkent Institute of Finance, senior teacher,
Department of "Valuation and Investments", PhD researcher
Tashkent, Uzbekistan. Email: shakhzod.shayakubov@gmail.com
ORCID: 0009-0001-6185-5550

JEL Classification: D25, G32

Аннотация: Мазкур мақолада корхоналарда инновацион фаолият ва уни молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари, хорижий тажрибалар, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш амалиёти ва корхоналарда инновация фаолиятини молиялаштиришни ривожлантириш истиқболлари келтирилган.

Шунингдек, корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар ва ечимлар ва корхоналарда инновацион фаолиятни жадаллаштириш орқали инновацион иқтисодиётга ўтиш истиқболлари тўғрисида фикр ва мунозара юритилган.

Abstract: This article presents the scientific-theoretical foundation of innovative activities in companies and their financing, as well as foreign experiences, the practice of financing innovative projects, and possibilities for the development of creative activity financing in enterprises.

Furthermore, the difficulties and solutions associated with the financing of innovative activities in firms, as well as the prospects for transitioning to the innovative economy by increasing creative activities in enterprises, were explored.

Калим сўзлар: инновациялар, инновацияларни молиялаштириш усуллари, инновацион иқтисодиёт, инновацион сиёсат, молиявий капитал, молия манбалари, инновацион лойиҳалар, инновация турлари, технология инновацияси, молиялаштириш манбалари.

Key words: innovation, methods of financing innovation, innovation economics, innovation policy, financial capital, financial resources, innovative projects, types of innovation, technological innovation, sources of financing.

Қириш. Инновациялар - иқтисодий ўзгаришлар ва ривожланишнинг асосий омили, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни

ҳаракатлантирувчи кучдир. Инновацияларни рағбатлантириш ва жадаллаштириш, ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик мақсадига айланган бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда тобора юқори аҳамият касб этмоқда.

Технологик ўзгаришлар ва инновацияларнинг барқарор ривожланишида молиявий капитал асосий рол ўйнайди. Молиявий капиталнинг мавжудлиги ва корхоналарда инновация фаолиятини молиялаштиришнинг самарали тизимини шаклланганлиги янги техно-иқтисодий парадигмаларнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Инновациялар, одатда, катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб этади ва айрим ҳолларда зарур ресурсларни сафарбар қилишни кийинлаштиради.

Корхоналар учун молиявий капиталнинг етишмаслиги ва инновация фаолиятини молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантирилмаганлиги аксарият ҳолларда инновациялар ривожига салбий таъсир кўрсатади. Гарчи, инновациялар тадбиркорлик фаолияти сифатида хусусий сектор орқали амалга оширилса-да, давлат секторининг ҳам бу жараёнда ўз ўрни мавжуд.

Нобел мукофоти совриндори Кеннет Ж.Эрроу таъкидлаганидек, "Биз эркин тадбиркорлик тизими ихтиро ва илмий тадқиқотларга (идеал билан солиштирганда) камроқ сармоя киритилишини кутамиз, чунки хавфлилик даражаси юқори бўлади ва махсулот фақат чекланган даражада ўзлаштирилиши мумкин".

Ҳалқаро илмий изланишлар шуни кўрсатадики, илмий тадқиқот ишларига давлат сектори томонидан киритилган инвестицияларнинг ижтимоий

даромадлилик даражаси хусусий сектор томонидан киритилган инвестицияларга қараганда бир неча баробар юқори бўлиши мумкин.

Бошқача ифодалаганда, инновацияларнинг самарадорлиги давлат олиб бораётган инновацион сиёсат ва мамлакатдаги хусусий сектор билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бозорга йўналтирилган иқтисодиётни ўрнатиш ва бизнес ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу жараёнда инновациялар муҳим рол ўйнайди ва инновацион ривожланишга эришиш учун кучли сиёсий ирода ва юқори даражадаги мажбурият мавжуд.

Инновацион сиёсат ва стратегияларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун 2017 йилдан буён кўплаб ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонида "2026 йилга келиб мамлакатимиз Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 56 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишни бош мақсад қилиб қўйганлиги, инновацион тадбиркорлик натижасида яратиладиган янги иш ўринлари сонини 4 бараварга ошириш зарурлиги, ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида яратиладиган янги инновацион ишланмалар сонини 2 бараварга ошириш кераклиги, ҳудудларда яратиладиган янги технологиялар сонини 384 тагача ошириш лозимлиги, ҳудудларда йиллик рўйхатга олинган

патентлар сонини 184 тагача етказиш зарурлиги ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий, инновацион ва технологик лойиҳалар сонини 183 тагача ошириш ва инновацион стартаплар сонини 1437 тагача етказиш” лозимлиги каби устувор вазифалар корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш, бу борада тегишли илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда бу бўйича тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш зарулигини тақозо этади.

2018 йил 24 ноябрда «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентнинг фармони эълон қилинди ва бу инвестиция ва бошқарув компаниялари мезонларини, фаолият турини ва мониторингини, шу жумладан венчур молиялаштириш учун яратилиши керак бўлган мезонларни белгилаб берди. Инновацион сиёсат йўлида қадам ташлаётган Янги Ўзбекистон амалиётида корхоналарда инновацияларни молиялаштириш устида олиб борилаётган илмий изланишлар етарли эмас ва бу билан боғлиқ самарали тизимини яратиш қаратилган жиҳатлар тўлалигача ёритилмаган.

Материал ва метод. Корхоналарда инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ сўнги илмий изланишлар ва тажрибаларини илмий тадқиқ қилиш ва қиёсий таҳлил қилиш орқали, Ўзбекистоннинг инновацион сиёсати стратегиясида назарда тутилган режалар бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Ушбу инновацион сиёсатнинг мувафаққиятли амалга оширилиши ва барқарор ривожланиши табиийки инновациялар соҳасидаги корхоналар ва

уларнинг лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлади.

Бундай методика ёрдамида самарали молиялаштириш тизимини ташкил қилиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда корхоналарда инновация фаолиятни молиялаштиришни ривожлантиришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш, мазкур соҳанинг мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини аниқлаш долзарб аҳамият касб этиб, бу йўналишда илмий изланишларни олиб боришни талаб этмоқда.


Корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни молиялаштириш орқали, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни диверсификациялаш ва Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига глобаллашув жараёнини тезлаштириш имконияти пайдо бўлади.

Натижалар. «Инновация» тушунчасини янги иқтисодий категория сифатида Австралиялик олим Й.Шумпетер XX асрнинг биринчи ўн йиллигида иқтисодиётга киритган. «Теория экономического развития» китобида Й.Шумпетер биринчи марта ривожланишдаги ўзгаришларнинг янги комбинациялари тўғрисидаги, яъни инновацияларга оид масалаларни кўриб чиққан ва инновацион жараёнга тўлиқ таъриф берган.

Инновация жараёни маълум бир даврни ўз ичига олиб, янгиликни яратишда ифодаланиши унинг иқтисодий самарадорлиги билан боғлиқ. Чунки инновация стратегияси ишлаб чиқариш жараёнида янги фан-техника ютуқларини қўллаш асосида рақобатчи субъектларга

нисбатан юқорироқ иқтисодий салоҳиятга эга бўлишида ифодаланади. Инновацион жараён тузилмаси 1-жадвалда келтирилган. Венгрия олимлари фикрига кўра, инновацион жараённинг энг оддий

моделларидан бири, бу бутун жараённи алоҳида, функционал ёки тузилмавий бўлимларга ва даражаларга бўлишнинг натижасидир.



1.0-расм. Инновацион жараённинг функционал босқичлари¹

Инновацион жараён ягона бир оқим сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараённинг алоҳида бўлган босқичлари, яъни техник ғоя, илмий ишланма, янги технология, инновацион лойиҳа, лойиҳани техник-иқтисодий асослаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва йўлга қўйиш рақобатбардошлигини таъминлаш вазифалари киради. Шу билан бирга, инновацион жараённинг босқичлари бир бирига узвий боғлиқ равишда таъминлаганидагина ушбу жараённинг натижасини таъминлай олади.

Инновацион жараёнларни ривожлантиришга ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади. Жумладан, иқтисодий, технологик, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, социал-психологик, маданий ва ҳ.к. ушбу омиллардан айримлари тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, иқтисодий ва технологик омиллар гуруҳида корxonанинг инновацион фаолиятига зарур молиявий ресурслар, моддий-техника воситалари, илғор технологиялар, хўжалик ва фан-техника инфратузилмалари ижобий таъсир кўрсатади (2-жадвал).

Шу гуруҳнинг ўзидаги омиллардан инвестиция учун маблағлар йўқлиги ёки етишмаслиги, моддий ва фан-техника базасининг ёмонлиги, жорий ишлаб чиқариш манфаатларининг устунлиги ва ҳоказолар инновация фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Инновацион фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш муносабати билан тадбиркорликнинг иккита: классик ва инновацион моделини таҳлил қилиш ва қиёслаш зарур. Классик модел - бу корxonаларнинг анъанавий, сермашаққат ва репродуктив шаклига асосланади. Ушбу ҳолатда корxона фойдасини кўпайтириш ва рентабелликни ошириш учун ички резервларни сафарбар этишни тақозо этади. Мазкур моделга мувофиқ, корxonаларнинг муваффақияти давлат томонидан маблағ ажратилиши ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ. Иккинчи модел эса - инновацион тадбиркорликка асосланади. Бунда корxonани ривожлантириш инновация, яъни илмий ихтироларга асосланади.

Инновацион тадбиркорлик уч асосий турга бўлинади:

- маҳсулот инновацияси;
- технология (ишлаб чиқариш) инновацияси;
- ижтимоий инновация.

¹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Инновацион тадбиркорликнинг биринчи тури - маҳсулот инновацияси - корхона маҳсулотини сотиш даражаси имкониятини янгилаш жараёнини намоён этиб, у фирманинг ҳаётийлигини, олинадига фойда хажмини оширишни, бозордаги улушини кенгайтиришни, мижозларни сақлаб қолишни, ўз мустақиллигини мустаҳкамлашни, янги иш ўринларни яратишни таъминлайди.

Технология инновацияси - ишлаб чиқариш имконияти (потенциал) янгилаш жараёни бўлиб, энергия, хом-ашё ва бошқа ресурсларни тежаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилади. Бу эса ўз навбатида, фирма фойдасини ошириш, техник хавфсизликни

такомиллаштириш, атроф - муҳитни ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, фирманинг ички информацион тизимидан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Ижтимоий инновациялар корхонанинг гуманитар доирасини режа асосида яхшилаш жараёнини намоён этади. Бу турдаги инновацияларни қўллаш ишчи кучи бозоридаги имкониятларни кенгайтиради, қўйилган мақсадга эришиш учун корхона ходимларини сафарбар этади, жамият ва ходимлар олдида корхонанинг ижтимоий мажбуриятларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

жадвал-1

Инновацион жараённинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар²

| Омиллар | Инновацион жараённинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи омиллар | Инновацион жараённинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар |
|------------|---|---|
| Иқтисодий | Зарурий молиявий захираларнинг мавжудлиги | Инвестиция маблағларининг етишмаслиги |
| Технологик | Етарли даражада моддий-техникавий базанинг борлиги, ишлаб чиқариш технологиялари, хўжалик ва илмий-техникавий инфратузилмаларини мавжудлиги | Моддий-техника ва илмий-техникавий ишлар учун зарур бўлган шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги. Мавжуд технологияларининг эскилиги ва ҳакозо |
| Сиёсий | Қонуний чора-тадбирларнинг яратилиши | Антимонопол қонунлар томонидан чекланганлиги |
| Ҳуқуқий | Инновацион фаолиятнинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш | Солиқ, амортизация, патентлаш ва лицензиялаштиришнинг талабга жавоб бермаслиги |
| Ташкилий | Ташкилий таркибни бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга мойиллиги | Ташкилий таркибларинг эскириши |

² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | |
|----------------------------|--|--|
| <p>Бошқарув</p> | <p>Ишлаб чиқариш ташкилий тизимининг муқобиллиги, демократик бошқарувга асосланиши, ахборотлар билан таъминланиши. Инновацион жараёни амалга оширишда умумий мақсаднинг шаклланиши</p> | <p>Марказлаштирилган авторитар бошқарув, ахборотлар билан таъминлашнинг ва субъектлар ҳамда ички субъектлар муносабатларининг мураккаблиги. Инновацион жараён бўйича келишувнинг мураккаблиги</p> |
| <p>Ижтимоий-психологик</p> | <p>Маънавий рағбатлантириш. Ижтимоий тан олиш, инновацион меҳнатга шароит яратиш, талаб даражасида психологик шароитлар яратилиши</p> | <p>Ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши асосида янги иш жойларининг мослашуви, мавжуд ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш. Ишлаб чиқариш эски усулларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш олдидаги қўрқув, омадсизлик</p> |
| <p>Маданий</p> | <p>Ўзининг инновацион маҳоратини кўрсатишга шароитнинг мавжудлиги. Субъектлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ишончлилиқ муносабатларига ва ҳурматга асосланганлиги</p> | <p>Субъектлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг талабга жавоб бермаслиги, ишончга, ҳурматга асосланмаганлиги</p> |

Мунозара. Бизнинг назаримизда, ҳар қандай инновацион лойиҳа уч томонлама, яъни биринчидан, инновацион лойиҳани татбиқ этиш учун зарур бўлган турли молиявий ресурслар нархлари билан, иккинчидан жами сафарбар этиладиган капитал қиймати, бозор муносабатлари талабидан келиб чиқиб, татбиқ этилиш вақт бирлиги билан, учинчидан қўйилган мақсадга эришиш ички кучи билан чекланади.

Булар билан бир қаторда инновацион лойиҳалар татбиқ этилиши жараёнида эҳтимоли бўлмиш рискларни бошқаришни ҳам талаб этади. Ҳар қандай инвестицион лойиҳалар каби инновацион лойиҳалар уч босқичдан иборат бўлмиш ҳаётий циклга, яъни инвестицион олди, инвестицион ва эксплуатацион босқичлардан иборат ҳаётий циклларга эгадирлар. Инновацион лойиҳа хусусиятларига қараб, қайд этилган уч

босқичда инвестициялар турли нисбатда шаклланади ва турли манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Инновацион жараёнларнинг ривожланиб боришида инсон капиталига катта рисклар остида сафарбар этилган инвестициялар, инновацион ғоялар, ишланмалар, ихтиро, кашфиёт ва шу каби янгиликларни яратилишига, яъни инновацияларни барпо этилишига, улар негизида ўз навбатида инновацион лойиҳаларни шаклланишига, техник-иқтисодий асослаш ва таҳлил ўтказиш йўли билан самарадорлигини аниқлаш, ҳамда танлов асосида инновацияларни татбиқ этиш ва молиялаштириш қарорлари туради.

Барча ривожланган мамлакатларда инновацион фаолият соҳасида инновацион лойиҳани ишлаб чиқаришнинг энг бошланғич яъни, концептуал босқичида интеллектуал

мулкка тегишли ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Иккинчи босқичда техниканинг муносиб даражаси доирасида берилган концепцияга асосланган инновация маҳсулотини ишлаб чиқариш имконияти исботланади.

Ушбу босқичдан ўтиш натижасида стенд моделлари ёки макетлар яратилинади. Ишлаб чиқиш босқичида инновация маҳсулоти саноат ишлаб чиқаришга яроқлилиги текшируви амалга оширилади. Тўртинчи босқич - саноатда қўлланилишини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш босқичида тажриба намунаси ёки технологик жараён яратилади. Тўла масштаб ишлаб чиқариш босқичи бу инновация маҳсулотини саноат ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёнидир. Унинг натижаси сотишга тайёр маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Бу босқичда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сифатни яхшилаш ва маҳсулотни ишончлилиги, унинг функционал имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Сўнги босқич инновация маҳсулоти ёки технологик жараённи фойдали ҳаётининг бутун муддатини қамраб олади. Бу босқичнинг мақсади доимий техник такомиллаштириш йўли билан маҳсулот ёки технологик жараённинг максимал баҳосини сақлаш ҳисобланади. Бу босқичда маҳсулот ёки жараён бошқа қўллаш соҳаларига татбиқ этилиши мумкин.

Лойиҳани молиялаштиришга таъсир этувчи омилларга қуйидагилар киради: инновацион лойиҳанинг мақсадлари ва инвесторнинг бозордаги стратегиясига уларнинг муносиблиги; давлат сиёсати ва инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтиришни ҳисобга олиш бўйича

унинг устунлиги; лойиҳанинг иқтисодий самараси; инноваторнинг ишбилармонлик обрўси ва статуси; рискни минималлаштириш даражасида молиявий қўйилмаларнинг ишончлилиги.

Инновацион лойиҳаларни танлаш тартиби унинг экспертизаси билан боғлиқдир. Бунда бизнес-режадан ташқари инвестор ва инновацион корхона фаолиятининг стратегик режаси тақдим этилиши экспертизани ўташишнинг ва унинг маълумотлари ишончлилигининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар асосида эксперт лойиҳани инвестициялаш маълум мезонлар асосида аниқлайди. Ушбу мезонлар бўлиб: лойиҳа бўйича фойда нормаси ёки рентабелликнинг минимал чегараси; инвестиция ҳажми ҳамда, пуллик ва бошқа маблағларга умумий талаб; лойиҳани амалга оширишнинг охириги мумкин бўлган муддати; риск даражаси; лойиҳа иштирокчиларнинг ташкилий ва молиявий имкониятларга лойиҳанинг мос келиши.

Лойиҳани экспертиза қилиш тартиби кўп босқичли бўлиб, учта фаза: инвестиция олди, инвестицион ва эксплуатация фазаларини ўз ичига олади.

Инвестиция олди фазаси дастлабки экспертиза, молия-тижорат экспертизалари ва инвестициялаш бўйича қарор қабул қилишдан ташкил топади.

Инвестицион фаза кейинги назорат ва инвесторлар ва инноваторлар сиёсатига ўзгартириш киритишни тақозо қилади.

Хулоса. Инновацион фаолиятни инвестициялаш соҳасида Ўзбекистон давлат сиёсатининг шаклланишида асосий принцип бу илмий-техник тараққиёт (НТП) масалаларини ечишга урғу беришдир. Чунки саноатдаги инновацион фаолият Ўзбекистон иқтисодиёти илмий-техник ютуқларига мойиллик даражасини белгилайди.

Инновацион фаолиятни рағбатлантириш жараёнида давлат сиёсати қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак:

- хусусий секторни инновацион фаолиятда, уни рағбатлантириш механизмида, институцион қайта ўзгартириш тизимида, интеллектуал мулк ҳимояси ва уни хўжалик оборотида жорий этишдаги иштирокини норматив-ҳуқуқий таъминлашни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш;

- инновацион фаолиятни, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, рақобатбардошликни ошиши ва илмий маҳсулотни экспортини қўллаб-қувватлаш комплекс тизимини яратиш;

- инновацион жараёнлар инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, информацион таъминотни, экспертиза тизимини, молия-иқтисод тизимини, ишлаб чиқариш – технологик қўллаб-қувватлашни, ишланмаларни олдинга силжиш тизимини, кадрларни тайёрлаш ва қайтатайёрлаш тизимини.

Инновацион фаолиятда давлатнинг иштироки қуйидаги жабҳаларга олиб келади: давлат кўпчилик ҳуқумат инновацион дастурларини молиялаштиришда (ёки бевосита молиялаштириш ёки мақсадли бюджет фондларининг маблағлари йўли билан) иштирок этади; давлат буюртмалари (ИТТКИни ўтказиш учун шартнома шаклида) кейинчалик мамлакатнинг иқтисодиётида кенг қўлланиладиган инновацияларга бошланғич талабни таъминлаб беради; давлат академик ва амалий фан (наука)нинг самарали ўзаро таъсирини ташкил этиш ишларида воситачи бўлиб иштирок этади, ҳамда саноат корхоналари ва университетларнинг ИТТКИ соҳасида кооперацияни рағбатлантиради; давлат ўзининг инновацион сиёсатида

корхоналарда инновацион фаолиятни бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлай бошлайди.

Фикримизча, Ўзбекистон иқтисодиётини замонавий ривожланиш босқичида инновацион фаолиятни қайтармаслик шарт билан бюджетдан молиялаштиришни тезкор, қайтаришлик ва тўловлилик асосида бюджет маблағларни умумий талабдан истисно (ташқари) тақдим этилишини кўриш мумкин. Албатта, фақатгина иқтисодиётнинг ўсиш даражасига тўғри таъсир этувчи, ҳаётий муҳим инновацион лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш зарур.

Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг инновацион буюртмалар портфелини шакллантириш учун энг универсал ёндашув бу – очик тендер, конкурс ва аукционлар ўтказишдир. Бу ҳолларда инновацион фаолиятнинг тижорий тавсифи инвесторларнинг тижорий кизиқишига (манфаатига) жавоб беради.

Молия-кредит соҳаси ва уни ривожлантириш тижорат банклари тизими ва бошқа молия-кредит институтларини (инновацион фаолиятни молиялаштиришга эътибор қаратадиган) амал қилиши ва мавжуд бўлишини намоён қилади.

Ўзбекистонда инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга қимматли қоғозлар институтлари ва бошқа воситачи тузилмалар (инвестицион-инновацион банклар, фондлар ва суғурта компаниялар) инфратузилмани шакллантиришга кўмак беради.

Транспорт ва алоқа, коммуникация ва информацион тизимлар миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига хизмат қилади. Давлат дотацияларини тезкор қисқартирилиши, эркин нарх ва

тарифларни ўрнатилиши (белгиланиши) уларнинг инновацион фаолият учун хизматларни чегаралайди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий-саноат ишлаб чиқаришни шаҳарларда-технополисларда тўплаш мақсадга мувофиқдир. Улар мамлакатни «имитатор»дан (таклид қилувчи) илмий-техник тарққиётнинг энг муҳим йўналишларида ИТТКИни амалга оширувчи технологик (лидер) етакчига айлантиришга ёрдам беради. Технополислар стратегияси - бу юкори технологик даражадаги маҳаллий марказлар тармоғи ривожланиши асосида иқтисодиётнинг янги соҳаларига (ёриб ўтиш) олиб чиқиш стратегиясидир.

Мамлакатда инновацион фаолиятни бошқариш (тартибга солиш) ва молиялаштириш соҳасида давлат сиёсати бўйича ўтказилган таҳлил асосида давлатнинг инновацион фаолиятиги ва соҳасидаги функцияларини янада самарали тизимга айлантириш мумкин бўлади.

Жалб қилинган молиявий ресурслар манбаларига қуйидагилар киради: облигациялар эмиссияси; бошқа қарзли қимматли қоғозлар эмиссияси; тижорат банкларининг кредитлари; тижорий кредитлаш; нодавлат инвестицион ва пенсион фондлар маблағлари; хорижий инвестициялар.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатади, тижорат корхоналари, банклар ва аҳоли томонидан жамғарилган хусусий капитални унумли фойдаланишни бошқариш инновацион сиёсатни активлаштиришга ижобий таъсир этади.

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари асосида, инновацион сиёсатни янада чуқурроқ олиб бориш ва барча корхоналарни бу жараёнда фаол қатнашишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси

президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сонли "2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" фармони эълон қилинди. Стратегиянинг асосий мақсади — мамлакатда креатив иқтисодиётни шакллантиришда янги иш ўрни яратишдан бошлаб иқтисодий қиймат (капитал) яратишгача бўлган «тармоқ-худуд-илмий/олий таълим ташкилот» узлуксиз экотизимни ривожлантиришдир. Бу мақсадга эришишда стратегия 6 та асосий йўналишлардан иборат.

Стратегиядан қутилган асосий мақсадлардан бири бу 2026 йилга келиб Ўзбекистон Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 56 та илғор мамлакатини қаторига киришига эришишдир. Шунингдек, халқаро майдонда мамлакатнинг илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган, инновацияларнинг кенг жорий этилишида бозор талабларига мослашувчан миллий инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва модернизация қилиш ва худудларнинг инновацион фаоллиги ва илмий салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Олиб борилаётган ислохатлар натижасида, мамлакатда инновацион иқтисодиётга ўтиш рўй беради. Инновацион иқтисодиёт динамик ва мослашувчан иқтисодий омил ҳисобланиб, билим, ижодкорлик ва интеллектуал капитални жисмоний активлардан устун қўяди.

Инновацион иқтисодиёт рақамли трансформацияни кучайтиради ва корхоналарга янги усулдаги молиялаштириш ва молия хизматларига кенг йўл очади ва айниқса, кам таъминланган худудларда иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 21 декабр 2010 йил, №ПҚ-1442.
2. «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 27 сентябр, 2006 йил, №ПП-475.
3. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 15 апрел 2005 йил, №56.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916 сонли «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
5. «Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 14 март 2007 йил, №УП-114.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 20 майдаги №144 сонли «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда).
8. Абдуллаев А. Хорижий мамлакатларда кичик корхоналар инновацион фаолиятини рағбатлантириш хусусиятлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали, 2010. - Б. 140.
9. Колтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учебник. – Спб.: Изд-во Михайлова В.А. 2000. – С. 32-33.
10. Медынский В.Г. Инновационное предпринимательство. – М.: ИНФРА, 2009. – С. 55.
11. Макаркин Н.П., Шаборкина Л.В. Инновационный менеджмент: Уч.пос. - Саранск: Изд. «Мордовск». Ун-та, 2003.
12. Макконелл К.Р., Брюс Л. Экономикс. Т-1.-М.: Дело. 1992.
13. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. - М.: Интел-Синтез, 2000.
14. Швецов Ю.Ф. Организационные методы сокращения длительности инновационных процесса. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора технических наук. - Самара: 2002.
15. Ғозибеков Д. Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия», 2003.
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.
17. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.
18. Индикаторы науки, технологий и инновационной деятельности Республики Узбекистан. Комитет по координации развития науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан: Статистический сборник. – Т., 2011. – С. 120-124.